

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚҮҚОНДА САЙЁР ҚАБУЛ ҮТКАЗДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қўқон шаҳрида сайёр фуқаролар қабули ўтказди. Қўқон университети биносида бўлиб ўтган қабул чоғида вилоят ҳокимининг шахсий қабулини сўраб мурожаат қилган 50 нафарга яқин қўқонлик мурожаатчиларнинг масалалари кўриб чиқилди. Қабулга вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятдаги бошқарма ва идоралар бошлиqlари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳам жалб этилди.

Бошқа худудларда бўлиб ўтаётган сайёр қабуллардан фарқли ўлароқ, Қўқондаги қабулда асосан уй-жой ва моддий ёрдам, шунингдек, суд-хуқуқ масалаларида мурожаатлар келиб тушди. Фуқароларнинг имтиёзли даволаниш, банк кредити олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиш, фуқаролик олиш каби масалалардаги мурожаатлари ҳам кўриб чиқилди.

Кўплаб мурожаатлар қабул чоғида ҳал этилди. Ечими қўшимча ўрганиш талаб этадиган мурожаатларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилиб, ижроси қатъий назоратга олинди. Баъзи мурожаатчиларга хуқуқий тушунтиришлар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-17 18:36:48